

МИЛИОНЛАР ЎЙИНИ ФУТБОЛДА НАТИЖА УЧУН ТАКТИК ВА ТЕХНИК ТИЗИМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Ш.А.Қаюмов ва Қ.Турсунов

Жиззах давлат педагогика институти Мактабгача таълим факултети ўқитувчилари

Аннотация: Мақолада замонавий футболнинг тобора оммалашаётгани ва натижа учун барча мураббийлар янги ва хали қўлланилмаган тактикалардан фойдаланилаётгани ва уннинг аҳамияти ва тактик тизимлар, уларнинг эволюцияси, тактиканинг турлари ва уларнинг афзалликлари атрафлича ўрганилган.

Калит сўзлар: тактик тизимлар, тактик фикр, муваффақиятга эришиш, жамоавий ўйин, гуруҳли, индивидуал, ўзаро ҳаракатлар бирлиги.

Жисмоний тарбия ва спорт мамлакатимизда бугун ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг муҳим омилига айланиб улгурган бир даврда яшаётган эканмиз, бу соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳукумат қарорлари жуда муҳим албатта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги “Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3610–қарори мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спорт соҳаси, жумладан юртимиз футболи ва соҳа мутахассислари учун улкан имкониятларни яратиб берди. Ушбу қарорнинг ижроси ўлароқ юртимиз футболида истиқболли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Футболчиларни тайёрлаш, тайёргарлик тизимларини такомиллаштириш ва уларнинг натижавийлигини таминлашга доир ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқа спорт ўйинлари каби футболда ҳам ғалабага интилувчи икки жамоа учрашадилар. Ғалаба учун кураш, спортчилардан жуда кучли жисмоний, ақлий ва иродавий хусусиятларни талаб қилади. Фақат ўз маҳоратларини тўлиқ қўллай олган футболчиларгина кучлар тенг бўлган рақиб билан яқка курашларда муваффақиятни таъминлаши мумкин. Ўйин давомида, улар тўпга эгалик қилган пайтларда ҳар бир жамоа курашнинг турли воситалари ва усулларини қўллаб ҳужум ҳаракатларини кўп марта амалга оширишларига тўғри келади. Шунинг учун тактикада энг асосий, мақсадга эришишни таъминлаб бериши бўлган, ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларини олиб боришнинг маълум воситалари, услубият ва ҳужумда ўз имкониятларидан кенг фойдаланишни билиш – буларнинг барчаси бутун жамоа каби унинг алоҳида спортчиларининг тактик

етуклигини тавсифлайди. Ёш малакали спортчиларни тайёрлаш мувофақияти спорт маҳоратининг барча компонентлари ривожланиш даражасига боғлиқ бўлган кўп йиллик ўқув-машғулот жараёнини назарда тутуди бу аввало, ҳар бир спортчида мавжуд бўлган жисмоний сифатларни ривожлантириш, техник ва психологик тайёргарликни яхшилаш. Аммо, спорт ўйинларида хусусан футболда энг аҳамиятлиси тактик тайёргарлик ҳисобланади. Спорт ўйинларида гуруҳ тактик ҳаракатлар, асосан юқори малакали жамоаларда ижобий натижаларга эришиш учун, энг муҳим компонентлардан бир ҳисобланади. Бунини, спорт ўйинларининг барча турларида иш юритувчи кўпгина машҳур амалиётчи мураббийлар (В.А.Аркадев; О.Р.Базелевич; К.Л.Бесков; А.Я.Гомелский; Г.Д.Качалин; И.А.Кошбахтиев; В.В.Ломбоновский; В.А.Маслов; М.И.Якушин) тасдиқлайдилар. Дунё футболининг машҳур мураббийи В.В.Лабановский футбол ўйин тактикаси ҳақида мулоҳаза қилиб шуни таъкидлайдики гол ура оладиган футболчи индивидуаллигига умид қилиш, вазиятга умид қилиш демакдир, вазият эса замонавий футболда аввало уйишқоқлиги, мантиқийлиги, жамоавийлиги билан тавсифланади. Лекин бу – индивидуаллик майдонда яққол дегани эмас, албатта. Жамоавий ўйиннинг модели албатта, биринчи навбатда жамоа принциппарига риоя қилишга қодир футболчи моделидир. Аксинча жамоавий футбол импровизатсиянинг олий шакили, тараққий этган тактика пойдеворига мустаҳкам асосланади ва тўлиқ индивидуаллик эса, агар юлдузлар бундай ўйинда ҳали ярақламаган бўлса, демак жамоанинг мувофақиятга эришиш имкониятлари анча ошади. М.А.Годик ходимлар билан охириги йиллардаги футбол бўйича йирик мусобақаларни таҳлил этиб шундай хулосага келди: замонавий футболда, ўйинчиларнинг универсал имкониятларини кенгайтириш каби ҳар бир ўйинчининг жамоада юқори индивидуал сифатларини муваффақиятли уйғунлашувига асосланган жамоавий ўйин олиб бориш аҳамияти ошади. Айтилган фикрлар қўйидагиларга асосланади. Футболчиларнинг универсаллашуви борган сари кенг тарқалмоқда. Бунда, ўз жойида беками-кўст ўйнай оладиган, кези келганда майдоннинг ҳар қандай жойида ҳимоя каби қайта ҳужумларни якунига етказадиган спортчилар универсал ҳисобланади бундан ташқари ўйиннинг бошидан охиригача юқори темпни ушлаб тура олиш ҳам аҳамиятлидир. Дунё футбол тарихида, бирон-бир ягона тизим кўп йиллар давомида мўжизавий ҳисобланганлиги тўғрисида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. 1940 йилларнинг бошларида испанлар 1-3-25- тизимни қўллаб хайратланарли натижаларга эришдилар. Кейин эса дунёнинг барча жамоалари фақат шу тизимни қўллай бошладилар. Аммо 1958 йил Шведсиядаги жаҳон чемпионатида бразилияликлар 1-4-3-3 тизимини қўллаб

голиб бўлдилар. Албатта анча вақт бу тизим тараққий этган тизим хисобланган. Мутахассисларнинг бошқа гуруҳи, асосан охириги йилларда ўйинчиларнинг жойлашиши тизими бу фақатгина майдон марказидан ўйинни бошлаш ёки ўйинни янгидан бошлашда дастлабки ҳолат эканлиги таъкидландилар. Замонавий футболда ҳужум ёки ҳимоя ҳаракатларининг самарадорлиги, майдонда ўйинчиларнинг сирли жойлашиш тизимига боғлиқ эмас албатта. У жамоанинг чизиқлар ва звеноларда ўзаро мувофиқ ҳаракатларига ҳамда жамоанинг барча ўйинчилари, хусусан дарвозабоннинг ҳимоядан ҳужумга ва аксинча онгли равишда ўта олиш билимларига боғлиқдир. Бундай ўйинни 1974 йилги жаҳон чемпионатида Голландия терма жамоаси моҳияти майдоннинг турли жойларида ҳужумдан ҳам, тўпни олиб кўйишда ҳам сон жихатдан устунликни яратиш хисобланган “тотал футбол”ни бутун дунёга намоиш этдилар. Албатта ўйинчилар универсал бўлишлари лозим, жамоада универсал ўйинчилар қанчалик кўп бўлса, тактик ҳаракатларнинг хилма-хиллиги ва вариантлари ҳам шунчалик кўп бўлади. Агар ўйин тизимининг ривожланиши эволюциясига назар солсак, футбол ўйини пайдо бўлганда, яъни тактика ҳали ишлаб чиқилмаган, лекин ҳимоя ва ҳужум чизиқлари белгиланган пайтда ўйинчиларнинг тузилиши 1-1-9 ва 1-2-8 тизими бўйича бўлганлигини кўриш мумкин. Бундай жойлашиш тизимда, ўйинчилар тўпнинг атрофида йиғилиб қолганлар. Тўпга эга ўйинчилар дриблинг ёрдамида дарвозага яқка ўтишга уринган. Тўпни узатиш, айниқса узоқ масофага ва бош билан ўйнаш деярли бўлмаган. Шотландлар футбол ўйинига тўп узатишни киритдилар. Бу янгилик индивидуал каби гуруҳ тактик ҳаракатларига асосланган ўйинни кескин ривожланишига олиб келди. Ўз навбатида бу, жамоада 1-2-2 сўнг 1-2-3-5 хисобланган ўйинчилар жойлашиши сабаб бўлди. Бундай тизимда жамоада икки ҳимоячи, учта ярим ҳимоячи ва бешта ҳужумчи бўлган. Жамоа ҳам ҳужумда, ҳам ҳимояда барча футболчиларнинг фаол ҳаракатларини юқори даражада ташкил этибгина ғалабага эришиш мумкин. Бундан келиб чиқадики, футболда тактика деганда рақиб устидан ғалабага эришишга йўналтирилган индивидуал ва жамоавий ҳаракатларни ташкил этиш ҳамда аниқ рақиб билан муваффақиятли кураш олиб боришга имкон берувчи маълум режа бўйича жамоа футболчиларининг ўзаро ҳаракатлари тушинилади. Футболчи тактикасининг моҳияти, ўз имкониятларини (жисмоний, техник, рухий) самарали қўллаш олиши ва рақиб қаршилигини жуда кам қисқа вақтда йениг ўтишга ёрдам берувчи тўпни олиб юриш усуллари самарали фойдаланишдан иборатдир. Тактика – бу замонавий футболни ривожланишига кучли ва муҳим таъсир кўрсатувчи компонентлардан бири хисобланади. Тактика аста секин, аммо ўсиб борувчи тезлик билан оғишларсиз футбол ўйини ривожига таъсир кўрсата бошлади ва

бошқа компонентлар орасида етакчи ўринни егаллади. Тактика нафақат замонавий футбол қийофасини ўзгартиради, балки тайёргарликнинг шакли, воситаси ва услубиятларига ҳам чуқур таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида, мураббийларни олдиндаги рақибни яхшироқ ўрганиш мақсадида кўриш учун узоқ масофаларга боришига ва ўйин видео ёзувларини ташкил этишга, энг самарали тактик ҳаракатларни қайд этишга, учрашувларни қайд этишга, учрашувларни чуқур таҳлил қилишга ва ҳаказо мажбур қилмоқда. Ўйинда муваффақият олиб келган тактика – бу ҳар бир футболчи ҳаракатларини кучайишига, бутун жамоа ҳаракатларини мустаҳкам тартибда бўлишига олиб келган пухта ишлаб чиқилган, шуғилланилган ўзаро ҳаракатлардир. Бунда жамоа манфаатларидан келиб чиқиб, ўйиндаги ўзаро муносабати ва ўзаро ёрдамга кўра ҳар бир футболчининг кучли томонлари, ўйинчиларнинг ожиз томонлари кўзга унча ташланмайди, танланган тактикани муваффақияти уларга боғлиқ. Тактик фикр ва режа қанчалик пухта ишлаб чиқилмасин, ўйин давомида вужудга келадиган вазиятларга кўра ўзгариб боради ва тузатишлар киритилади. Шунинг учун, тактиканинг амалий элементларини, бевосита ўйин жараёнида вужудга келадиган тактик вазифаларини ҳал этишусули сифатида кўриш мумкин. Футбол ўйинининг амалий тактик элементлари қуйидагилар ҳисобланади: - рақиб ҳаракатлари ва ўйин мантиғидан келиб чиқиб, ўйинчиларнинг ҳужум ва химоя ҳаракатларини уйғунлиги (комбирования) ва тебранувчанлигининг мақсадга мувофиқ усули: - ўйин давомида кучни тартибли тақсимлаш усули: - рақибга психолог таъсир этиш кўзланган ҳаракатлар ва асл имкониятларни маскировка қилиш усули. Ўйинга мураббийнинг тактик режаси қандай бўлишдан қатъи назар, улар алоҳида футболчилар ҳаракатларида амалга оширилади. Шунинг учун индивидуал тактик такомиллашувсиз ўйинга тартиб ва жозиба берувчи аниқ жамоавий тактик ҳаракатларини олиб боришнинг иложиси йўқ. Юқорида баён этилганлардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин, жамоавий ўйин учун бир вақтнинг ўзида энг камида икки футболчининг фаолияти зарур. Жамоавий ўзаро ҳаракатларнинг асосий воситаси қуйидагилар ҳисобланади: ўз дарвозасидан рақиб дарвозасигача 2-6 ўйинчилар иштирокида ўйинчилар комбинацияси, стандарт ҳолатларда ўйнаш (жарима, очик, бурчак ва ён чизиқлардан тўпни ташлаб бериш, тўпсиз ўйин, яни ҳолатни танлаш). Кўриниб турганидек, мутахассисларнинг фикрича, жамоавий спорт ўйинларида, асосан маҳоратли жамоалар даражасида тактик тайёргарликнинг энг муҳим томони, гуруҳ ва жамоавий ўзаро ҳаракатлар даражаси ҳисобланади. Айнан ўзаро ҳаракатлар самарадорлиги, манъавий ечимлар билан қайта ишланган тактик схемаларни моҳирлик билан уйғунлаштириш, ҳар бир спортчининг индивидуал имкониятларидан фойдаланиб охириги

натижа комбинациялари самарадорлигига эришиш мумкин. Гурух ўзаро харакатларинг самарадорлиги кўп жихатдан жамоадаги ижтимоийпсихологик мухит билан ҳам аниқланади. Унинг қиямати, гурухда барча муносабатлар авж оладиган биргаликда ўқув-машғулот ва ўйин фаолиятини амалга ошириладиган мухитда аниқланади. ГТХ мухим ахамиятга эга бўлишига қарамай, айнан шу муаммога бағишланган тадқиқот ишлари жуда кам. Бизнинг назаримизда бундай холатнинг асосий сабаби, уни қайд этиш ва баҳолашнинг мураккаблиги бўлса керак. Шунинг учун, жамоа тактик тайёргарлигининг энг мухим таркибий қисми бўлган ГТХ такомиллаштириш бўйича услубий адабиётла етарли эмас. Демак, биринчи навбатда ГТХ тузилмасини, футболчилар махоратини аниқлаш, турли даражадаги (Жахон ва Ўзбекистонинг энг яхши жамоалари)нинг МФ диагностик тахлил қилиш лозим. Қиёсий тахлил МФ кўрсаткичлари мезони ахамиятини очиб беришга имкон беради ўқувчилар тайёргарлигинг самарадорлик тузилмасини ва уларнинг ўзаро гурух харакатларини аниқлаш, ГТХ такомиллаштирувчи махсус воситаларга бўлган талабини аниқлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ақромов Р.А. Юкори малакали футболчиларни тайёрлаш. Т.: 1994 й. 74 б.
2. Боренбаев К.С. Педагогические методы и средства воспитание скоростных качеств у юных футболистов на этапе начальной специализации. Автореф. 1999 г. 22 с.
3. Драндров Г.Л. Развитие скоростно-силовых качеств и быстроты футболистов 13- 16 лет с учетом типологических особенностей проявления свойств нервной системы. 1989 г. 69 с.
- Podrigalo L., Iermakov S., Potop V., Romanenko V., Boychenko N. (2017) Special aspects of psycho-physiological reactions of different skillfulness athletes, practicing martial arts, "Journal of Physical Education and Sport", vol.17(1), pp. 519-526; doi: 10.15561/18189172.2017.0603.
5. Graczyk M., Hucinski T., Norkowski H., Pęczak-Graczyk A., Rożanowska A. (2010), The level of aggression syndrome and a type of practised combat sport, "Journal of Combat Sports and Martial Arts", vol. 1(2), pp.
6. Grange P., Kerr J. H. (2010), Physical aggression in Australian football: A qualitative study of elite athletes. Psychology of Sport and Exercise, 11(1), pp.36-43.